**РИФАТИЛЛА ҚОСИМОВ**

# АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

РИФАТИЛЛА ҚОСИМОВ

# *АНЪАНАВИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ*

(РУБОБ)

**Тошкент-2007.**

Ўзбекистон давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг профессор в.б. Р.Қосимов тузган мазкур ўқув қўлланма консерваториянинг магистратурасида рубоб чолғуси мутахассислиги бўйича сабоқ олаётган талабаларга мўлжалланган. Шу билан бирга ундан мусиқа олий ўқув юртлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Данное учебное пособие, составленное и.о. профессора кафедры «Традиционного исполнительства» Государственной консерватории Узбекистана Р.Касымовым, предназначено студентам, обучающимся в магистратуре Консерватории по специальности «Инструмент Рубоб». Этим учебным пособием могут пользоваться также студенты высших учебных заведений.

This educational manual is meant for the students of the Master of Art's course, who are studying the subject "An instrument Rubab". It is compiled by R. Kasimov – Acting Professor of the "Traditional performance Department" of the state Conservatory of Uzbekistan. As well as students of the high Educational Institutions can make use of this educational manual.


**Масъул мухаррир -** Ўзбекистон Давлат консерваторияси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди **С.М.Бегматов**

**Та=ризчилар:** Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Халқ чолғулари» кафедрасининг профессори, педагогика фанлари доктори **Щ.Нурматов**

Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг доценти **Ш.Ш.Шорахметов**

# КИРИШ

Щар бир халқ ызининг миллий мусиқий меросини севса, аждодлар анъанасини ардоқласа, уни муносиб тарзда ўзлаштирса ва қадрига етса, ўзга халқлар санъатини щам бащолай олади. Зеро, бизгача етиб келган мусиқий анъаналар авлодлар занжирининг мустащкамлигидан далолатдир. Бу борада халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган мақомлар, мақом йўлларига мансуб мумтоз мусиқа асарлари щозиргача ўзининг бадиий ва эстетик имкониятларини юқори даражада сақлаб келаётганлигини алощида таъкидлаб ытиш жоиз. Уларни ырганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш замонамизнинг талаб ва эщтиёжида былган долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, ўзбек халқининг мусиқий маданияти миллий чолғуларга бой бўлиб, танбур, дутор, ғижжак, най, қўшнай, сурнай, чанг, қонун, уд, рубоб, доира ва ноғора каби чолғулар ўзининг мукаммаллиги билан мощир ижрочилар амалиётида муносиб ўрин топган. Чунки щар бир чол\у ызининг шаклланиш тарихи, ижро имкониятлари, бетакрор, жозибали садоланиши ва мущлисларига эга. Уларнинг барча сиру—синоатларини илмий-назарий тадқиқ этиш ва ёш авлодга етказиш щар бир мураббийнинг муқаддас бурчидир.

Тақдим этилаётган мазкур ўқув қўлланма консерваториянинг анъанавий ижрочилик кафедраси магистратурасида қашқар рубоби мутахассислиги синфи быйича сабоқ олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шу билан бирга, ундан мусиқа олий ўқув юртлари щам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма анъанавий ижрочилик мащоратини эгаллаш учун зарур бўлган миллий мусиқа безакларининг турлари, ижро услублари ва сайқалларини ўзлаштиришга асосланган.

# РУБОБ ЧОЛҒУСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ва Тожикистонда рубоб (Помир вощасини эътиборга олмаганда) деярли икки турда – афғон ёки бухоро рубоби ва ўтмишда уйғур мусива ҳаёти ва маълум даражада улар орқали республикамизнинг Фар\она водийси щудудлари учун хос былган қашқар рубоби Ызбекистон, Тожикистон ва Ўрта Осиёнинг ўзбек тожик ва уй\урлар яшайдиган щудудларида якканавоз ва жырнавозлик чол\у сифатида оммалашди.

Афғон рубоби, нисбатан тор доирада былсада турли ижрочилар жамоаси таркибида қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, Тожикистон рубобчи қизлар ансамблининг тингловчилар диққатини жалб этиб келганлиги Ызбекистондаги айрим ансамбллар ва халқ чолғулари оркестри таркибида такомиллаштирилган турининг жырнавоз чол\у сифатида ишлатилиб келинаётганлигини мисол қилиш мумкин.

Замонавий жараёнга келиб анъанавий афғон ёки бухоро рубобининг ижро имкониятлари щамда табиий хусусиятларига мос тушадиган маълум чолғу куйлари яратила бошланди. Бу чолғу асбобининг бизнинг щудудларимизга қачон келганлиги ва оммалашганлиги ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. Чунончи, Дарвиш Али Чангийнинг «Муси=ий рисола»сида ёзилишича ребаб Султон Мущаммад Хоразмшощ даврида (1200-1220 й.) =ылланишда былган беш торли чол\у. Унинг тырт тори ипакдан, бири кумушдан ясалган. Мазкур торларидан таш=ари товуш тебраниши натижасида акс садо берувчи 12 та тор ости симлари мавжуд былиб, улар чертилмаган. Хоразмшощ саройидаги созандалар ичида ребаб чалишда Устод Мащмудга тенглашадигани топилмаган. Шунингдек, рубоб тасвири акс эттирилган манбаа сифатида XVI аср миниатюраларидаги тасвирлар ушбу чол\унинг ыша давр муси=ий щаёти учун характерли былганлигидан далолат беради.

Аф\он рубоби кыриниши ва ижро услуби жищатидан бош=а чол\улардан ажралиб туради. Унинг катта резонатори ва мавжуд «тырт»

пардаси, яъни парда бойланган калта дастаси тут дарахтидан ясалади. Бу щам унинг ызига хос тембрининг заминидир.

Щажми катта, баланд авжли куйларни ижро этишда рубоб дастасининг давоми сифатида, резанатор =оп=о\ининг устки =исмига дастадаги асосий 4 пардадан таш=ари ырнаштирилган 6,7 хаспардалар асос былади.

Аф\он рубобида беш асосий ва диатоник тарзда созланган 10, 11 акс садо берувчи симлар мавжуд былиб, асосийларидан 1 чи, 2 чи билан 3 чи, 4 чи билан 5 чи торлар кварта орали\ида созланади.

Дутор ва танбурдан фар=и, аф\он рубобининг барча торлари ижрода кенг =ылланилади. Аф\он рубобида чалиш маълум даражада мураккаб былганлиги сабабли уни танбур ва бош=а айрим чол\улар сингари деярли мутахассис созандалар =ылида кырамиз. Шунинг учун щам аф\он рубобида кыпинча о\заки анъанадаги профессионал муси=ага мансуб чол\у куйлари ижро этилади. Айни ва=тда хал= куйлари, кыпинча тожик айтимларининг ушбу чол\уда чалиниши щам одат тусидадир.

Бугунги ызбек муси=ий щаётида ызининг оммавийлиги билан алощида ажралиб турадиган чол\у созларидан бири =аш=ар рубобидир. Бу чол\у мутахассис созандалар, щаваскор ижрочилар, якканавоз рубобчи ва хушовоз ашулачилар =ылидагина эмас, балки турли ансамбллар ва хал= чол\у асбоблари оркестри таркибида такомиллаштирилган щамда янги яратилган турлари муносиб ырин олган.

+аш=ар рубобнинг хал=имиз орасида оммалашиб кетишига сабаб и=тидорли ижрочиларнинг юксак мащоратидир. Шундай мощир рубобчилардан бири 1950 йилларда машщур былган санъаткор Мущаммаджон Мирзаевдир.

М.Мирзаев 1950 — 60 йилларда ызининг жозибали ижроси билан тингловчилар ди==атини жалб этди. Турли вощаларда бу чол\у щаваскор ижрочилар ва мутахассислар учун =улай ва севимли созга айланди. Мураккаб ва мукаммал шаклдаги муси=ий намуналарни ижро этишда бену=сон былиши учун маълум даражада такомиллаштирилди. Хусусан рубоб

дастасидаги пардалар 19, 24 тага етказилиб хроматик тартибга келтирилди. Диапазон жищатидан икки октавадан орти= товуш кыламига эга былди. Унинг косасига кийик ёки илон териси =опланиши ва даста уланадиган жойидаги шощсимон икки таянчлари ижрочига маълум =улайликлар яратди.

+аш=ар рубобига хос былган ижро имкониятлари ма=ом ва ма=ом йылларидаги муси=ий намуналарни тал=инида я==ол намоён былишини алощида таъкидлаб ытиш лозим. Чунки щозирги пайтда нисбатан содда хал= куйларини ижро этишда ёки ашулачилар томонидан жырнавоз чол\у сифатида ишлатилганида =аш=ар рубобининг барча имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмайди. Шунинг учун былса керак, щаваскор рубобчилар щам мутахассис созандалар репертуаридаги мураккаб куйларни ижро этишга интиладилар.

**Рубоб ижрочилиги**

Маълумки, бошлан\ич муси=а мактабларида =аш=ар рубобини ушлашдан бошлаб, чап ва ынг =ыл харакатлари, товуш чи=ариш, созланиш, бармо=лар жойлашуви каби ижро учун услубий кырсатмалар берилади. Шу билан бирга, ижрочиликни ысиши учун нота ёзуви ор=али кыплаб маш=лар, содда ва равон усулли ($\frac{2}{4}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{4}{4}$ ылчовдаги) турли характердаги техник маш=лар тавсия этилиши бизга дарсликлардан маълум. Щозирги даврга келиб, консерваторияга =абул =илинмо=да. Шу ну=таи назардан мазкур дарсликда, асосан анъанавий ижрочиликка оид услубий кырсатмалар тавсия этилади. Анъанавий ижрода =ылланиладиган сай=ал ва безаклар алощида кыринишда, маш=лар ёрдамида ва йирик-йирик асарлар мисолида берилган.

Услубий кырсатмаларни беришда профессор С.М.Тахаловнинг 1983 йили нашр этилган «Аф\он рубобини чалишга ыргатиш методикаси асослари» китоби =улайлик яратди ва мазкур ишимизга туртки былди.

Турли йыналишдаги асарларни ижро этишда =аш=ар рубоби учун характерли былган ызига хос (торлар) созланишларидан фойдаланамиз.

**Қашқар рубоби торларининг созланиши»**



Маълумки шу давргача бошлан\ич мактаблари учун яратилган рубоб дарсликларида, пардада бармо=ларнинг жойлашиш щолатлари, ижро учун маш=лар, этюдлар, куйлар — асосан Оврупа муси=а ижрочилигига хос кырсатмаларга та=лидан ёндошилган.

Анъанавий муси=а ижрочилиги ызига хос миллий безакларни ва уларни шар=она тал=ини учун мос услубларни та=азо этади. Бу фа=ат бармо=лар харакатлари билан жонлантирилади. Анъанавий ижрочиликда бу омилни мукаммал тал=ини учун бир =атор амалларга риоя =илиниши талаб этилади. Биринчидан бу рубоб сози, иккинчидан бармо=лар харакати ва учинчидан — ынг =ыл зарбларидир.

Рубоб торларида бармо=ларнинг анъанавий ижрочиликка хос былган жойлашишига оид икки хил созни асос =илиб олиб, шу созлар асосида ва жадвал ёрдамида бармо=лар жойлашишини ифода этамиз»

Созлар»



Жадвалда, анъанавий ижрочиликка хос миллий безакларни амалий ифода этиш учун =улай бармо=лар жойлашуви акс эттирилган.

**1 жадвал**

ля торида

ми торидаги



**2 жадвал**

ля торида

ре торидаги



Анъанавий муси=а ижрочилигида асосан 1-, 2- ва 3- бармо=лар турли хилдаги нолаларни тыла=онли ифода этилишида =ылланилади. 3-ва4- бармо=лар кыпро= форшлагсифат безакларни ижро этишда =улайдир.

Рубобда хал= куйлари, бастакорлар асарлари,ма=ом шыъбаларини якка равишда ижро этилганда, айнан талаб этилган пардадан эмас, балки, рубобга хос ва созига мос былган пардалардан бошлаб ижро этиш ма=садга мувофи=дир.

Рубоб созига мослаб ёзилган куйлар асосан 1 — саналмиш «ля» торида кыпро= ижро этилади, Ушбу торда икки октавагача былган куйларни ижро этиш мумкин. Лекин, ма=ом куй ва ашулалари орасида икки октава ва ундан орти= былган муси=ий намуналар мавжуд. Шу боис бош=а торларда щам имконият даражасида куй жумлаларини бошлаш мумкин.

*Шуни щам алощида таъкидламо= зарурки, айрим холларда ижро этилаётган куйларга характерли былган безакларни щосил =илишда чап =ыл бармо=лари - пардалардаги жойлашуви ызгариб туриши табиийдир. Чунки аиъанавий ижро жараёни шуни та=азо этади.*

Масалан» Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Иро=, Сарахбори Бузрук, Сарахбори Сегощ, Сарахбори Иро= ва щ.к. Шу каби асарларни ижро этишни 2- «ми» ёки «ре» торларидан бошлашни тавсия этамиз.

Жадвалда биз асосан икки хил созга мансуб былган чап =ыл бармо=ларининг пардалардаги жойлашувини кырсатишга харакат =илдик.

Рубоб торларининг 3-чиси – «си» ёки «ля» товушларига созланади ва куй жумлаларининг бошланишида ёки якунланганда =ышиб ижро этилади. Бу тор кыпро= «билак зарб» (15 -бетга =аранг) ижросида =ылланилади, Шу боис, жадвалда 1-ва 2-торлардаги бармо=лар жойлашувини акс этгириш билан чегаралaндик.

## Анъанавий мусиқа ижрочилигига хос зарблар
## (услубий тушунчалар ва нота мисоллари)

+аш=ар рубоб, аф\он рубоб, уд, танбур ва дутор каби миллий чол\уларимиз ижрочилигида мезроб (медиатор) ёки нохун ор=али щосил =илинадиган оддий ва мураккаб былган зарблар бир неча хилдан иборат. Анъанавий муси=а ижрочилигида уриб чалинадиган торли чол\уларга хос былган зарбларнинг асосан саккиз хили ща=ида тушунча беришни лозим кырдик. Булар: Якка зарб, +ыш зарб, зарби паррон (учма зарб), билак зарб, рез, калта рез, тескари зарб ва уфар зарб.

Ушбу зарблар учун маш=лар беришдан ма=сад, ижрочини чап ва ынг =ыл щаракатларини муси=ий асарлар ижро этиш олдидан жонлаштириш ва тавсйя этилаётган куйнинг пардаларига кыникма щосил =илдиришдир. Тавсия этилаётан маш=лар оддийдан мураккабга томон йыналтирилган былиб, бунда асос =илиб ма=омлардаги товуш=аторлар рубобга мослаштириб берилган. Шу туфайли маш=ларни асосан Шашма=ом, Тошкент-Фар\она чол\у йылларининг тузук тузилишларига мослашни лозим топдик.

Маълумки щар бир чол\уда ма=омлар ёки йирик шаклдаги анъанавий муси=ани ижро этиш имкониятлари турличадир. Устозларимиз щар бир ма=омнинг асосий пардаларига эътибор берган холда нота ёзувига олганлар. Бунда танбур созининг етакчи былганлиги аён. Ы=ув =ылланмада, асосан =аш=ар рубоби учун характерли былган ма=ом куйлари, хал= муси=алари ва бастакорлар асарлари ырин олган. Шу боис, ю=орида таъкидлаганимиздек, биз щар бир маш= ва куйларни мазкур рубоб созига мослаштирдик.

<u>Якка зарб</u> — товуш чи=аришнинг энг оддий усулидир. У рубоб, танбур, дутор, уд, чанг, =онун чол\уларида ижро этишнинг асосий пойдеворидир.

Якка зарб мезробни — нохунни торларда пастга ёки ю=орига уриш билан щосил =илинади. Мезроб ёки нохунни пастга уриш —нота устига П

белгиси, пастдан ю=орига уриш эса V белгиси билан ифодаланади. Бузрук ма=оми товуш=аторида тавсия этилади.

**Бузрук мақомининг товушқатори:**



**Рубоб учун мослаштирилган товушқатор:**



**Рубоб созланиши:** 

### 1 –машқ



Кыш зарб — Мезроб ёки нохунни пастга ва ю=орига уриб чалинган якка зарб щаракатларининг бир текисда алмашиниб туриши натижасидаги товуш чи=ариш усули — =ыш зарб деб юритилади.

У бир хил узунликдаги 

шунингдек турли узунликдаги 

тез ва ыртача суъратли товушларни ижро этишда характерлидир.

### 2-машқ



Шу каби маш=ларни Рост, Наво, Дугощ ва Иро= ма=омларининг рубобга мослаштирилган товуш=аторлари асосида муста=ил бажариш мумкин.

Шуни эътиборга олган холда ма=омларнинг асосий товуш=аторларини =аш=ар рубобига мослаштирган холда – нота мисолларини келтириш ва танбур созига нисбатан баён этишни лозим деб топдик.

Ы=увчига =улайлик яратиш ма=садида дастлаб асосий товуш=аторни, сынг рубоб намунасини келтириб борамиз.

**танбур созИ** **Бузрук мақоми**



**рубоб созИ**



**танбур созИ** **Рост мақоми**



**рубоб созИ**



**танбур созИ** **Наво мақоми**



**рубоб созИ**



**танбур созИ** **Дугощ мақоми**



**рубоб созИ**



**танбур сози** **Сегощ мақоми**



**рубоб сози**



**танбур сози** **Ироқ мақоми**



**рубоб сози**



## ЗАРБИ ПАРРОН (учма зарб)

Зарби паррон мунтазам ва тез-тез =ылланиладиган усул былиб, =аш=ар рубоби, аф\он рубоби, уд, танбур, чанг, =онун созлари учун хал= куйлари ва ма=омларни ижро этишда характерлидир. У мезроб ёки нохун билан ю=оридан пастга ва пастдан ю=орига тез зарб бериб чалинади. Зарби паррон асосий товушга ёрдамчи сифатида келадиган битталик форшлагни эслатади.

Анъанавий муси=а ижрочилигимизда мазкур зарб =ыш форшлаг кыринишида щам учрайди. Бир товушнинг ызида зарби паррон хосил =илиш анъанавий ижрочиликка хосдир.





## 3-машқ



## 4 машқ



БИЛАК ЗАРБ - Ынг =ылни бутун тор быйлаб ю=оридан пастга сир\анма харакатланишда мезроб ёки нохун билан товуш чи=ариш усули билак зарб дейилади. У соз ижросидаги «арпеджио» усулини эслатади. Билак зарб тактнинг кучли хиссасида =ылланилади. У муси=ий жумланинг охирида щам кенг =ылланиши мумкин. Бу амал куйга майинлик ва якунийлик бахш этади.

Билак зарбга хос ва эшитилиши ё=имли былган интерваллар — бу кварта, квинта, октава щисобланади. У нота олдидаги тыл=инсимон тик чизи= билан белгиланади.

Ижрочилигимизда рубоб созланишининг уч тури мавжудлиги боис уларга характерли былган товушларни нота мисолларида келтирамиз.

### Характерли интерваллар

рубоб сози



### Характерли интерваллар

рубоб сози



### Характерли интерваллар

рубоб сози



КАЛТА РЕЗ — Анъанавий муси=а ижрочилигида щар бир нота алощида-алощида бир товушдан иккинчи товушга ытмай рез бериш холлари учраб туради. Бундай усул — калта рез деб аталади. Калта рез =аш=ар ва аф\он рубобларини ижро этишда фойдаланилади. У бир хил ва турли баландликдаги товушларни ижро этишда =ылланилади. Нота ёзувида калта рез кичик чизи=ча билан белгиланади. 

**СЕГОЩ (Фарғона—Тошкент мақом йўлларидан)**

**О\ир**



ТЕСКАРИ ЗАРБ — ызига хос «синкопа»ли ритм характерига эга былади. У нохун ёки мезроб билан бир томон (паст)га зарб беришнинг иккинчи чорагига =атъий риоя =илиш ва бир йыналишдаги зарбнинг охирги чорагини саккиздан учини бирлаштирилиши натижасида щосил былади. Яъни нохуннинг 1, 3, 4, 6, 7,— зарблари пастга, 2, 5, 8—зарблари ю=орига =аратиб берилади.



Бу ыринда =ыш зарбнинг жойи (мезроб билан пастга ва ю=орига былган бир текис харакат) ызгаради ва 1 — ,4 —,7 —товушлар ур\у билан ижро этилади.

**Дутор Баёти**

**Тез, жонлиро=**



Тескари зарбнинг яна ижрочилигимизда бош=ача турлари щам бор. Бунда нохун ёки мезробнинг 1 — , 4—, 7— зарблари пастга. 2 —,3 —,5 — ,б —, 8 —зарблар ю=орига =аратиб берилади.

**Гилос**

**Н.Хасанов куйи**



РЕЗ — мезроб ёки нохун билан пастга ва ю=орига зарб беришнинг тез ва устма-уст алмашинишидан иборат былиб, чертиб чалинадиган торли чол\уларда, товушларни бир-бирига бо\лаб (узлуксиз) ижро этишнинг асосий усулидир.

Рез кыпро= эркин ижрога хос былган сурнай йылларини, катта ашулаларни рубоб созига мослаштириб ижро этишда характерлидир. У Фар\она-Тошкент ашула ва чол\у йыллари, Шашма=ом шыъбаларини ижро этишда щам мущим ащамиятга эгадир. Резни бир текисда ифодали ижро этиш созандадан мунтазам маш= ва катта мащорат талаб этади.

Рез фа=ат катта чызимли (яримталик  ва бутун ) ноталар эмас, балки бир неча тактлардаги куй жумлаларини узмасдан ижро этилишида щам кенг =ылланилади. Бундай пайтларда рез усулининг чегаралари «лига» билан белгиланади. Мисол:

**Таснифи Наво**

**10 хона**



**11 хона**



Уфар зарб – $\frac{6}{8}$  ызбек хал= ялла ва ра=с куйлари учун характерлидир. Мазкур усул анъанавий муси=а ижрочилигимизда кенг =ылланилади. Оддий хал= куйларидан бошлаб мураккаб жанр — Шашма=омнинг иккинчи гурущ шыъбаларида мавжуд бешинчи — тугалланиш =исмларида Фар\она-Тошкент ма=ом йылларида, вощаларга мансуб куй ва ашулаларда кыплаб учрайди. Бу усул хал=да Уфар зарб деб аталади.

Мумтоз муси=а амалиётида уфарлар икки хил, яъни $\frac{6}{8}$ ва $\frac{3}{4}$ ылчовлаларда нотада акс эттирилган. Куйларни нотага ёзишимизда $\frac{6}{8}$ ылчовдаги уфарлар кыпро= былиб, улар шыщчан ёки ра=сга чорловчи характерга эга. О\ир уфарлар ($\frac{3}{4}$) эса мумтоз муси=ий меросимиз щисобланмиш ма=ом туркумларининг якунловчи =исмларида мавжуддир.

Уфар зарбнинг $\frac{6}{8}$ ылчовга молик намуналари асосан икки хил усулда ижро этилади. Бу усулларни бир-биридан фар=лаб олишимизда нота устидаги белгилар ёрдам беради.



**Тонг (2-қисм)**

**Шыщ** **А.Исмоилов куйи**



Уфар зарбнинг $\frac{3}{4}$ ылчовига (о\ир уфар) хос мисол:

**Уфари Баёт**



Худди шу каби куйларни рубоб созига мослаб ёзганимизда ноталар устига =ыйилган мезроб белгилари =уйидагича белгиланади:

 ёки  ёки 

## Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилигига хос безаклар.

Одатда, ызбек хал= ва устозона муси=а ижрочилигида оддий товушларни турли хилдаги безак ва сай=аллар билан бойитиб ижро этиш мущим мезонлардан щисобланади. Зеро, товушларни сай=ал билан ижро этиш щар бир Шар= хал=лари муси=а ижрочилигига хос анъанадир. Бу омил ощанг мазмунини бойитиб, хал=лар рущиятини ифодаси демакдир.

Миллий муси=а ижрочилигида =ылланиладиган безакларнинг махсус атамалар билан номланиши кыпчилик созанда ва хонандаларга маълум.[1] Масалан: «=очирим», «тыл=инлатиш», «нолиш», «молиш», «кашиш» ва бош=алар. Уларнинг айримлари товушнинг сифатини белгилайди.

+ОЧИРИМ— оддий ва мураккаб мелизм (куйни турлича =ис=а товушлар билан безатувчи белги)ларнинг барча турини ыз ичига олади:

БЕЗАКЛАР — форшлаглар турлари:

БИДРАТМА — треллар турлари:

САЙ+АЛ - мордентлар турлари.

Ызбек анъанавий муси=асида =ылланиладиган безакларни уч гурущга былиш мумкин:

1) ОДДИЙ— бир товушдан ташкил топган ;

2) +ЫШ - икки товушдан ташкил топган ;

3) УЧТАЛИК — уч товушдан ташкил топган 

Ижрода бу безаклар янграш лозим былган товушлар щисобида былади.

**Орзу дил**

**Мисол (оддий безак учун)**

---

[1] Тажрибалар асосида бизга маълум былган айрим безаклар хусусида бащоли =удрат тушунча бермо=чимиз. Буларни тыла=онли изощ этишда устозларимиз томонидан яратилган бир =атор ы=ув =ылланмаларнинг мавжудлиги ишимизга асосий турки былди.

**Шыщчан** **М.Мирзаев мусиқаси**



## Нақмаи Орази Наво
### Мисол (=ыш безак учун)

**Соз**



**1 хона**



### Пайрави асал



Учталик безак эса фа=ат бир товушнинг такрорланиши билан ижро этилади. Мисол:

### Ушшоқ



Торга улаб ижро этиладиган безаклар нота ёзувида кенг расм былиб, =олган зарб белгиларининг бири билан П, торга урмаган холда эришиладиган безаклар эса нота устига =ышув (+) белгисини =ыйиш билан белгиланади.

### Мушкилоти дугоҳ



БИДРАТМА — икки ёнма-ён товуш тебранишидан щосил =илинади. У энг =ис=а ва энг узун тебранишдан иборат былиши мумкин.

Мезробни торга уриб ва торга урмасдан ижро этиш усули бидратмага щам таалу=лидир.

+ышув белгиси билан белгиланадиган треллар =уйидагича ижро этилади: биринчи таянч товуш мезробни торга уриб чалинади, =олган амаллар (ёрдамчи товушлар) торга урмаган холда щосил =илинади:

+ышув  белгиси былмаганда товушлар нохунни пастга ва ю=орига уриш билан ижро этилади.

**Ўзбек халқ куйи**



САЙ+АЛ (мордент) - бидратмадан тамомила фар= =илади. Агар бидратма узун ва =ис=а ноталарга (нота чызимига =араб) бевосита таалу=ли былса, сай=ал уч ёки беш товушдан ташкил топади. Уни ижро этишда; дастлабки асосий нотадан уни чызимини ярмигача =ис=артирилади. Сай=ални нота ёзувида =уйидагича белгилаймиз:

а) уч товушдан иборат сай=ал — оддий мордентнинг мелизматик белгиси билан белгиланади. Ю=оридаги кырсатма-товушлар орали\ини англатади:



б) пастда ётувчи ёрдамчи товуш — оддий ычирилган мордент белгиси билан



балгиланади. Ю=оридаги кырсатма —товуш орали\идир:

в) беш товушдан иборат сай=ал —мордентнинг мелизматик белгиси билан белгиланади. Ю=оридаги кырсатма товушлар орали\идир:



г) пастга ётувчи ёрдамчи товуш тон ёки ярим тон — =ыш чизилган мордент белгиси билан белгиланади:



Анъанавий ижрочиликда

сай=алнинг ю=орида келтирилган барча шакллари асосан торга бир зарб бериш билан ижро этилади. Бу зарб асосий товушга ты\ри келади. Бунда мордентларнинг (битталик, =ышало=, чизилган) щамма белгилари устига =ышув белгиси =ыйилади.

а 

б 

в 

г 

Мазкур ижро безакларига кичик бир мисол:

**Таржеъ Бузрук**



ТЫЛ+ИНЛАТИШ— (вибрато) деярли барча хал= чол\улари ва ашула ижрочилиги учун хос безак. Рубобда бармо=ни пардага босиб мезроб билан урилгандан сынг бармо=нинг ызида торларни титратиш йыли билан щосил =илинади. Шунингдек, ушбу безакдан бутун, яримталик, чоракталик ва нимчорак ноталарни ижро этганда фойдаланиш мумкин. Мисол:

**Соз**



**Гардуни Дугох**

**Бозгый**



**Соз**



## Гардуни Сегощ

**1 хона**




Нолиш — ярим тонгача былган ызига хос йирик бидратма. +аш=ар ва аф\он рубобларини чалганда бу усул чап =ыл бармо=ларини бир текисда дастада кындалангига щаракатлантириш билан ижро этилади. Бу безак белгиси ор=али ифодаланади. Мисол;

**Ўртача тез**





МОЛИШ— бармо=ни бир товушдан иккинчи товушга ощангдор, ощиста сир\алтириш усули. У «глиссандо»га я=ин былиб, бадиий тал=ин =илишнинг мущим воситаларидан щисобланади. Шу билан бирга, товуш чи=аришнинг бир неча турлари билан характерланади.

а) квартадан октавагача ва ундан щам орти= интервалларда (пастдан ю=орига, шунингдек ю=оридан пастга) бир товушдан иккинчи товушга сир\алиб ытиш. Бунда сир\алиш бошлан\ич товушни олувчи бармо=дан бошланади, кейинги тон бош=а бармо= билан олинади.

б) кичик ва катта секунда щам терция интервалларида пастдан ю=орига ва ю=оридан пастга бир товушдан иккинчи товушга бир бармо=да сир\алиб ытилади.



Бир бармо=нинг сир\алиши бош=а (ю=оридаги ёки пастдаги) бармо= билан алмаштирилган усул щам учраб туради, Бу холда, =ылнинг рубоб дастасига кыпро= таянч холдаги ызига хос глиссандо щосил былади, бунда тор бир хил куч билан текис муси=ий садо беради.



**в)** бармо=нинг бир неча ёндош товушлар (тон ёки ярим тон) быйича бирин-кетин сир\алиши. Бу усул фа=ат бир бармо= билан бажарилади.




Молиш анъанавий муси=а ижрочилигида кенг =ылланилади. Мисол:

**Мушкилоти Дугощ Талқинчаси**

**а**



**Сурнай Даштнавоси**

б **Ыртача тез**

1



2



**Наврўзи Сабо**



КАШИШ — ярим тон доирасида амалга ошириладиган безак усули. Бунда бармо=лар рубоб дастасида кындаланг тургани холда торни ю=орига ва пастга тортгандек щаракат =илади. 

Бутун тон доирасидаги кашиш — учи юмало= мордент билан белгиланади: 

а) бир зарбли кашиш: 

б) икки зарбли кашиш: 

в) уч, тырт зарбли кашиш (бунда зарблар ихтиёрий равишда щар хил былиши мумкин); 

г) рез— (тремоло) — усулли кашиш: 

Кашишнинг барча кыриниши о\заки анъанадаги мумтоз куйларда ва айни=са, ма=ом ижрочилигида кенг =ылланилади.

+уйида ярим тон доирасидаги бир, икки, уч-тырт ва рез усулли кашишларни куй ижроларида =ылланилганлигига (=ис=а куй жумлалари ор=али) мисоллар келтирамиз.

## Таснифи Наво




## Таснифи Дугощ




## Гардуни Дугощ



# Жонон

М.Мирзаев муси=аси,

Рубобга мослаштирувчи

Р.+осимов





# Шодлик

М.Мирзаев мусиқаси,
рубобга мослаштирувчи
Р.Қосимов




f
mf
p

# Дилбар

М.Мирзаев мусиқаси,
Р.Қосимов нотага олган

**Ўртача тезликда**






# Диллор 1

М.Мирзаев мусиқаси,
Р.Қосимов нотага олган

**Ўртача тезликда**




Жўрнавоз соз ижроси




# Диллор 2

**М.Мирзаев Муси=аси,**
**Р.+осимов нотага олган**

**Жонли**




# Соғиниб келибсан

М.Мирзаев мусиқаси,
Р.Қосимов нотага олган

**Лирик характерида**




f
mf


mf

# Парвона бўлдим

М.Мирзаев мусиқаси,
Р.Қосимов нотага олган

**Ўртача тезликда**





# Тонг

А.Исмоилов мусиқаси
Р.Қосимов нотага олган

**Оғир вазмин**






## 2

**Шўх (жонли)**





# Сарбозча

(қўш зарб учун)

**Ю.Ражабий нотага олган
Рубоб учун Р.+осимов
мослаштирган**




mf
p

# Мирзадавлат 1

Ю.Ражабий нотага олган
Рубоб учун Р.+осимов
мослаштирган






## Мирзадавлат 2

**Ю.Ражабий нотага олган**
**Рубоб учун Р.+осимов мослаштирган**




Fine
mf
f

# Гулбаҳор

Ю.Ражабий нота олган.
Рубоб учун Р.Қосимов
мослаштирган



# Тановар

## Ўзбек халқ куйи

Р.Қосимов нотага олган
ва рубобга мослаштирган.






# Эшвой

Ю.Ражабий нотага олган
Р.Қосимов рубобга
мослаштирган.




3.


pp


5.




6.


7.




# Мухаммаси Насруллои

(Бузрук мақомидан)

**Ю.Ражабий нотага олган**
**Рубоб учун Р.+осимов**
**мослаштирган**




3 хона
Бозгўй

# Сақили Султон

(Бузрук мақомидан)

**Ю.Ражабий нотага олган**
**Рубоб учун Р.+осимов мослаштирган**




3 хона
Бозгўй


4 хона
Бозгўй

# Таснифи Рост

Ю.Ражабий нотага олган
Рубоб учун Р.+осимов
мослаштирган




Бозгўй
4 хона
Бозгўй
5 хона


Бозгӯй
6 хона




Бозгўй
7 хона


Бозгўй
7 хона

## Ы=ув =ылланмадаги асрларга изощлар.

Ы=ув =ылланма муаллифи томонидан бастакор Мущаммаджон Мирзаевнинг бир неча муси=ий асарлари нотага туширилган: «Жонон», «Шодлик», «Дилбар», «Дилдор - 1», «Дилдор - 2», «Со\иниб келибсан», «Парвона былдим» шулар жумласидандир. Ушбу куйларни ёзиб олишда М.Мирзаев ва Ш.Мирзаев ижроларида дарж этилган грампластинкалар, С.Тыхтасинов ращбарлигидаги созандалар ансамблининг ижролари асос =илиб олинди. Шунингдек бастакор А.Исмоиловнинг «Тонг» номли муси=аси, Ызбек хал= муси=аси китобининг 3-жилдига киритилган «Сарбозча», «Мирзадавлат –1, 2», куйлари щам рубоб учун мослаштирилди.

Гулбащор - =адимги хал= куйларидан былиб, Ю.Ражабий томонидан нотага олинган ва «Ызбек хал= муси=аси»ни 2-жилдига киритилган.

Тановар – хал= куйи. Тановарларнинг хал= орасида ындан орти= тури мавжуд. Ы=ув =ылланмага киритилган намунаси созандалар ансамблига хос былиб, «Гулбащорга» улаб ижро этилган.

Эшвой – бу куй Хоразм достон йылларидан былиб, XVIII аср охирида яшаган Эшвой бахши номига нисбат берилган. Эшвой куйининг беш хили мавжуд, булар: «Достон Эшвойи», «Курд Эшвойи», «Эшвой Урганжий», «Фар\она Эшвойи», «Туркман Эшвойи» деб номланади. Ы=ув =ылланмага киритилган намунаси «Фар\она Эшвойи» деб аталади ва бу куй Тошкентда щам машщурдир. Ушбу куйни илк бор тошкентлик дуторчи созанда Абдусоат Ващобов (1875-1934) ижросида Е.Е.Романовская томонидан ёзиб олинган ва 1948 йили чоп этилган «Ызбек чол\у музи=аси» тыпламига киритилган. Мазкур намуна Ю.Ражабий ёзувида «Ызбек хал= музикаси»нинг 2-жилдидан олинди.

«Мухаммаси Насруллои» – «Бузрук» ма=оми чол\у былимининг бешинчи куйи.

«Са=или Султон» – «Бузрук» ма=омидан.

«Таснифи Рост» – «Рост» ма=оми чол\у былимининг биринчи куйи былиб, олдингиларидан фар= =илади.

**Пояснение к произведениям, приведённых в учебном пособии.**

Автором учебного пособия выполнены нотные расшифровки музыкальных произведений композитора Мухаммаджона Мирзаева: «Жонон», «Шодлик» , «Дилбар», «Дилдор-1», «Дилдор-2», «Согиниб келибсан», «Парвона булди».

При записи этих мелодий за основу были взяты музыкальные произведения в исполнении М. Мирзаева и Ш. Мирзаева, исполнение музыкального ансамбля под руководством С. Тухтасинова, записанных на грампластинках. Также музыкальное произведение композитора А. Исмаилова «Тонг», мелодии «Сарбозча», «Мирзадавлат-1,2», включенные в третий том книги «Узбекская народная музыка», и они приспособлены для игры на рубабе.

«Гулбахор» является одной из старинных народных мелодий, нотная расшифровка которой была сделана Ю. Раджаби и включена в учебное пособие специфична для музыкального ансамбля и она исполнена вместе с мелодией «Гулбахор».

«Эшвой»- является мелодией одного из стилей хорезмских эпосов и её название дано в честь народного певца бахши Эшвоя , который жил в конце XVIII века.

Существует пять видов мелодий Эшвоя : «Достон Эшвойи», «Курд Эшвойи», «Эшвой Урганжий», « Фаргона Эшвойи», «Туркман эшвойи». Образец мелодии Эшвой, включённый в данном учебном пособии называется «Фаргона Эшвойи», и эта мелодия также известна в Ташкенте. Она впервые была записана Е. Романовской в исполнении Ташкенского музыканта дутариста Абдусоата Вахобова (1875-1934) и включена в сборник «Узбекской народной музыки», изданный в 1948 году. Данный образец взят из второго тома «Узбекской народной музыки» в записи Ю. Раджаби.

«Мухаммаси Насруллои»- пятая мелодия инструментальной части макома « Бузрук»

«Сакили султон» из макома «Бузрук». «Тасниф Рост» является первой мелодией инструментальной части макома «Рост» и отличается от прежних.

**Explanations to the works,recounted in the educational.**

The author of this educational manual has accomplished notation of musical works by composer Mukhamadjon Murzaev:"Janon","Shodlik","Dilbar-1","Dilbar-2","Soginib Kelibsan","Parvona boldim".

Musical works performed by M.Mirzaev and Sh.Mirzaev,and performanses by musical ensemble conducted by S.Tuhtasinov,recorded on gramophont recordes,have been taken for the foundation during recording.As weel as musical works by compostr A.Islamov"Tong",melodies"Sarbozcha","Mirzadavlat 1,2",included in the third voiume of the book"Uzbek folk musik",were adopted for plaining the rubab.

"Gulbahor" is one of the antique folk melodies, the notation of which has been made by U.Rajabi, was included into the second volume of the book "Uzbek folk music".

"Tanovar" is a folk melody. There are more then ten kinds of this folk melodies among the people. The pattern of this melody, which was included into this educational manual, is specific for musical ensemble and was performed together with "Gulbahor" melody.

"Eshvoy" is a melody of one of the styles from Khorazm epos, and it was named after a folk singer Eshvoy, who lived in the end of XVIII century.

There are five sorts of Eshvoy melodies : "Doston Eshvoyi", "Kurd Eshvoyi", "Eshvoy Urganji", "Fargona Eshvoyi", "Turkman Eshvoi", and it is well known in Tashkent. It was recorded by E.Romanovskaya and was performed by Tashkent dutar player Abdusoat Vahobov (1875-1934) and included into the collection of "Uzbek folk music", published in 1948. The present example was taken out of the second volume of "Uzbek folk music " recorded by U.Rajabi.

"Mukhammasi Nasrulloyi" – is the fifth melody of the instrumental part maqom "Buzruk".

"Sakili sulton" is taken from maqom "Buzruk". "Tasfini Rost" is tht first melody from the instrumental part of the maqom "Rost" and is different from others.

**Фойдаланилган адабиётлар рыйхати**


1. Акбаров И.А. «Муси=а лу\ати». Т.: 1987 й.
2. Кароматов Ф.М. «Ызбек хал= муси=а меросидан» Грампластинка Моно. М 30 46921 007; Моно. М 30 46919 009.
3. Ражабий Ю. «Ызбек хал= музикаси» I-жилд. Т.: 1955 й.
4. Ражабий Ю. «Ызбек хал= музикаси» II -жилд. Т.: 1957 й.
5. Ражабий Ю. «Шашма=ом» I-жилд. Т.: 1966 й.
6. Ражабий Ю. «Шашма=ом» II -жилд. Т.: 1967 й.
7. Ражабий Ю. «Шашма=ом» III -жилд. Т.: 1970 й.
8. Ражабий Ю. «Шашма=ом» IV -жилд. Т.: 1972 й.
9. Ражабий Ю. «Шашма=ом» V -жилд. Т.: 1973 й.
10. Ражабов И. «Ма=омлар масаласига доир». Т.: 1963 й.
11. Тахалов С.М. «Аф\он рубобини чалишга ыргатиш методикаси асослари». Т.: 1983 й.
12. +осимов Р.+. «Рубоб наволари». Т.: 1993 й.

**МУНДАРИЖА**


| | |
|---|---|
| Кириш | 3 |
| Рубоб чол\уси ща=ида | 4 |
| Рубоб ижрочилиги | 6 |
| Анъанавий муси=а ижрочилигига хос зарблар | 19 |
| Ызбек анъанавий муси=а ижрочилигига хос безаклар | 19 |
| Жонон | 27 |
| Шодлик | 28 |
| Дилбар | 30 |
| Дилдор - 1 | 31 |
| Дилдор - 2 | 33 |
| Парвона былдим | 36 |
| Тонг | 38 |
| Сарбозча | 40 |
| Мирзадавлат - 1 | 42 |
| Мирзадавлат - 2 | 43 |
| Гулбащор | 45 |
| Тановар | 46 |
| Эшвой | 47 |
| Мухаммаси Насруллои | 54 |
| Са=или Султон | 56 |
| Таснифи Рост | 59 |
| Ы=ув =ылланмадаги асарларга изощлар | 65 |
| Фойдаланилган адабиётлар рыйхати | 66 |